

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

15-APREL

ANDIJON, 2024

ФОЗИ ОЛИМ ЮНУСОВНИНГ ОНАЛАР АЛЛАСИ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ

Рахматова Дилафруз

Самарқанд давлат чет тиллар институти катта ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур маколада ўзбек тилининг ривожланишида шева ва лаҳжаларнинг ўрни ҳақида сўз юритилади. Миллий тилнинг бойиши шевалар асосида бўлиши ва буни илмий - амалий исботлаган олимлари фикри келтирилган.

Калит сўзлар: жадид, ареал, шева, лаҳжа, миллий тил тушунчаси, оналар алласи.

Ўзбек тилининг функционал тараққиётида ички омиллардан бири шева ва лаҳжа ҳисобланади.

Миллий тил тушунчасининг ҳажми ва қўлланиш доираси кенг бўлиб, лаҳжа ва шеваларни ҳам қамраб олади. Шевалар адабий тил тушунчасига кирмайди, бироқ улар тилнинг қуи шакли ва тармоқлари ҳисобланиб, адабий тилни бойитиш учун хизмат қилиши маълум. Адабий тил меъёрларининг такомиллашуви, фан, маданият, саноат тараққиёти, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларнинг камайиб бориши каби экстралингвистик омиллар туфайли шевалар ҳам аста-секин ўз ҳусусиятларини йўқота боради.

Шева тизимининг мураккаблик даражаси ҳам экстралингвистик омиллар – шаҳар билан қишлоқнинг алоҳидаланиши, муайян тил вакилларининг бошқа шева ва тил вакиллари билан муомала қилиш даражаси, адабий тилнинг шевага таъсири ва бунинг акси шеванинг адабий тилга таъсири билан белгиланади. Алоҳида ажралиб қолган шеваларда унинг вакиллари билан атрофдаги аҳоли ўртасида алоқаларнинг йўқлиги, масалан, географик ёки сиёсий сабаблар, атрофдаги аҳолининг тил, маданият, диний эътиқод жиҳатдан айни бир тил вакилларидан кескин фарқланиши каби ўзгаришлар содир бўлади. Айрим ҳудудларда муайян тил вакилларининг анъанавий турмуш тарзини сақлаб қолишига астойдил интилиши оқибатида шева жуда секинлик билан ўзгаради, катта ва кичик ёшдагилар тилидаги фарқ сезиларсиз даражада бўлади. Адабий тилнинг ёки бошқа шеванинг кучли таъсири остида бўлган тилда аҳолининг турли гурухлари нутқига хос бўлган, бир бирига қарама-қарши қўйилган ва турли даражада фарқланадиган анъанавий ва янги қатламлар ажралиб туриши белгиланган.

XIX аср охири XX аср бошларидағи ўзбек адабий тили, шева ва лаҳжаларини ўрганган тилшунос олим Фози Олим Юнусовнинг қўйидаги фикрларига аҳамиятли. “Ўзбеклар ўтроқлик турмуш шароити остида ўз қабилавий бўлинишларини эсдан чиқариб бошлиғонлар. Кўп ўзбек уруғлари бош уруғини билиб, унинг бўлимларини, аймоқларини билмайдилар. Ёлғиз қумқулоқ қарияларгина ўз уруғ аймоқлари тўғрисида қаноатландирғудек маълумот берга оладирлар. Қабилалар тўғрисида текширишни ҳеч тўхтатмасдан давом эттириш керак. Чунки, қумқулоқ қариялар ўзбекларда жуда оз қолғон. Буларнинг ўлими билан Туркистанда яшагувчи ўзбек уруғлари ҳақида қийматлик маълумотлар йўқолур; шунинг билан бирга ўзбек уруғлари тўғрисида маълумотни тўлдириш учун Бухоро, Хива ва Афғонистонда яшагувчи ўзбеклар орасига маҳсус ҳайъатлар юбориб, бу йўлда текшириш ковлаш доирасини кенгайтириш керак. Қариялар ўзбекларнинг “эл нўғой”дан “дашти қипчоқ”дан келганини сўйлайдилар. Демак, бизга ўзбекнинг эски юрти бўлган Жайиқ ва Эдил бўйлариға ҳам бориб унинг эски изини ишлаш керак бўлади. Ўзбек уруғлари тўғрисида тўплаган маълумотларимни тартибга солгандан сўнг газета ва журналларда бостирай деган ниятим бор”.¹ Тилшунос олим Сирдарё, Фарғона, Самарқанд вилоятларида қишлоқма-қишлоқ юриб, халқ

¹ “Туркистан вилоятининг газети” 1922 йил 18-декабрьдаги сони. <https://azon.uz/content/views/uzbek-til-jonkuyari-gozi-olim-yunusov>.

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

15-APREL

ANDIJON, 2024

шеваларини ўрганган ва илмий хуросалар берган. Олимнинг биргина оналар алласи ҳақидаги таҳлилига эътибор қаратайлик: аллада ҳалқ турмуш тарзи, маданияти акс этган шевага хос сўзлар мавжуд. Бундай сўзлар таҳлилини бераркан, тил ва шеваларнинг ареал ҳолатини ҳам белгилаб боради. Ҳар қандай матн таҳлили унинг қаерда ва қандай ҳолатда яратилганлигини асослайди. Шунга кўра, оналар алласи ҳам Ислом дини тарқалишидан анча давр илгари яратилганлигини сўзлар таҳлили мисолида ёритади: “Бу эл асарида исломий рух ғоят заиф, аммо чин ўзбек руҳи ғоят кучлидир. Ўзбек хотини авлиёларни, Маккани, жаннату жаҳаннамни ўйламайди ва боласининг мутеъ, хайр саховатли бўлишини ҳам тиламайди, балки ул ўғлининг ботир “арслон юракли, қоплон билакли”, қулундай чаққон, туйғундай олғир, яхши отли ва яхши қуролли бўлишини истайди”², деб ўзбек тили ва шеваларининг бойлигини мисоллар ёрдамида исботлайди. Демак, ҳар қандай адабий тил ўз ички имкониятлари билан бойиб боради, шаклланади, ривожланади.

Ўзбек адабий тили ва шевалари ҳақидаги илмий хуросалар айнан жадид адабиёти вакиллари томонидан кўриб чиқилганлиги билан аҳамиятлидир.

Туркий тилларнинг ҳар бири бир неча шева ва диалектлардан иборатлиги маълум. Бироқ ўзбек тили туркий тиллар ичида ўзининг кўп шевалилиги билан фарқланади. Туркийшунос олим Е.Д. Поливанов: “... туркий тилларнинг бирортаси ҳам шевалараро ўзбек тили сингари бу қадар кескин фарқланмайди, демак, бирорта туркий тил ҳам шу қадар специфик, диалектал хилма-хиллик хусусиятига эга эмасдир. Бу эса, табиий, адабий тил учун бирор диалектни асос қилиб олиш масаласини ниҳоят даражада оғирлаштиради”,³ деган эди. Зоро, ҳар қандай маҳаллий лаҳжа тилнинг қути шакли бўлиб, у адабий тилнинг бойиши учун фақат асос бўла олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. “Туркистон вилоятининг газети” 1922 йил 18-декабрдаги сони. <https://azon.uz/content/views/uzbek-tili-jonkuyari-gozi-olim-yunusov>.
2. Б. Туйчибоев., Б. Ҳасанов. Ўзбек диалектологияси. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ нашриёти, 2004. Б-112.
3. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик.– Тошкент: Маънавият, 2002.
4. Баёнханова, И. Ф. (2023). МУОМАЛА МАДАНИЯТИДА НУТҚИЙ МУЛОҚОТ ОДОБИНИ ИФОДАЛОВЧИ МАҚОЛЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. Innovation: The journal of Social Sciences and Researches, (1), 96-100.
5. Салоксиддинов, М. (2021). Темпоральность в позиции неядерных однородных компонентов. Иностранный филология: язык, литература, образование, (1 (78)), 149-153.
6. Sadykova, B. (2016). Emotional words and tropes in the roman of italian author N. Ammaniti "I don't fear". In SCIENCE AND PRACTICE: A NEW LEVEL OF INTEGRATION IN THE MODERN WORLD (pp. 123-125).

² Юқоридаги асар

³ Б. Туйчибоев., Б. Ҳасанов. Ўзбек диалектологияси. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ нашриёти, 2004. Б-7 (Ҳаммаси 112)